

ТАЪЗИЯ

ТАЪЗИЯ

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ



16:49 / 19.08.2022 1228

Азизлар, барчамиз учун қадрдон бўлган биродаримиз, жигаримиз Неъматуллоҳ Собировнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оналарига, барча қариндошларига чуқур таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳумнинг узоқ вақт тортган дардларини барча саҳву хатоларига каффорат қилиб, Ўзининг шомил мағфиратига, чексиз раҳматига олсин, шаҳидлик мақомини берсин, қисқа умри давомида қилган солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ қилиб, садақаи жория ўлароқ қабул айласин, ажру мукофотларини кўпайтириб берсин, тавбаларини мақбул, гуноҳларини мағфур айласин.

Мусибатзада хонадон аҳлига, марҳумнинг барча яқинларига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, бу мусибатга қилган сабрлари учун, марҳумнинг узоқ давом этган дардига шифо истаб қилган фидокорликлари, жонкуярликлари учун улкан ажру савоблар тилаймиз.

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти
Islom.uz портали жамоаси